211295

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 19 декабрь, сешанба. №153. (21.916). Сотувда эркин нархда.

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Бундан атиги бир йил муқаддам Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш мақсадида иқтисодий интеграция механизми ташкил этилган эди. 1994 йил июль ойида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида уч республиканинг давлатлараро кенгаши ҳамда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкига асос солинди. Бугун қадим Турон ўлкасидаги қардош халқларнинг хоҳиш-иродаси, муштарак мақсадлари, бир-бирига бўлган табиий интилиши ва яқинлик ҳисси мазкур механизмнинг ишга тушиб кетишига кўмаклашибгина қолмай, унга куч-қувват ҳам бағишламоқда. Қисқа муддат ичида мавжуд сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш, асрлар давомида бир-бири билан узвий боғланган, лекин сўнгги йилларда узилиб қолган иқтисодий ва хўжалик алоқаларини тўла тиклаш осон кечмайди, албатта. Шундай бўлса-да, ягона иқтисодий маконга аъзо ҳар бир республикада иқтисодий ўтиш даврининг маълум қийинчиликлари бошдан кечирилаётганига қарамай, интеграция жараёнини тезлаштиришга амалий интилиш кун сайин кучайиб бормоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлатлараро кенгашининг қўшни Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ана шундан далолат берди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев 15 декабрь куни шу ерда учрашди.

Президентлар мажлисда 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш масалаларини муҳокама этдилар.

Бугун иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган элликка яқин лойиҳа устида ишланмоқда. Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ушбу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун кўплаб халқаро молиявий ташкилотлар, хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик қилмоқда. У аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги «Фармсаноат» концерни билан шартнома тузган. Худди шунингдек, Қозоғистонда тоғкон саноати, Қирғизистонда электр двигателлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар Марказий Осиё банки томонидан маблағ билан таъминланмоқда.

СУРАТДА: музокаралар пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Шунга қарамай, музокараларда иқтисодий интеграция дастурини амалга ошириш ва ҳаётий зарур лойиҳаларни амалга оширишда барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани, бунинг учун ягона иқтисодий маконга аъзо мамлакатларнинг вазирликлари, муассасалари ва саноат ташкилотлари фаоллигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

—Иқтисодий бирикиш жараёнини коммуникациясиз тасаввур қилиб бўлмайди,— деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов.— Республикаларимиз ўртасидаги барча иқтисодий ва хўжалик алоқаларини янада равнақ топтириш учун биринчи навбатда янги темир йўл, ҳаво ва автомобиль йўллари барпо этиш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш керак.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари дастурда хорижий фирмалар эътиборини жалб этадиган, қизиқишини орттирадиган лойиҳалар камлигини, унда аввал бошданоқ хусусий сармоядорларнинг к енг иштироки кўзда тутилмаганини қайд этди. Шу боис Президент Ислом Каримов Тошкент, Бишкек ва Алмати шаҳарларида хорижий ва хусусий сармоядорларни иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган лойиҳаларга кенг жалб этишга хизмат қиладиган турли кўргазмалар ўтказишни таклиф қилди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий бирикиш жараёнида, дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлар иштироки жуда муҳимдир. Шу сабаб, мазкур таклифни Президентлар А. Акаев ва Н. Назарбоев якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолиятини янада жонлантириш борасида ҳам муҳим таклиф киритди. Маълумки, ҳар бир республика ўз сармоя дастурига эга. Мазкур дастурдаги энг «жозибадор» лойиҳалар танлаб олиниб, Марказий Осиё банки билан ҳамкорликда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деди Президент Ислом Каримов.

Учрашувда иқтисодий интеграция жараёнини тезлаштириш мақсадида унинг навбатдаги зарур тузилмаларини, хусусан, Марказий Осиё ҳукумати — Бош Вазирлар Кенгаши, келгусида эса Марказий Осиё парламентини ташкил этиш, ягона иқтисодий маконга аъзо давлатларнинг молия ва божхона қонунчилигини ўзаро мувофиқлаштириш борасида фикрлашиб олинди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатлараро кенгашнинг 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурлари бўйича ҳамда мазкур республикалар мудофаа вазирлари кенгаши низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари имзоланди. Шунингдек, БМТ раҳнамолигида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчликни сақлаш коллектив батальонини ташкил қилиш ва шакллантириш ҳақидаги ҳужжатга имзо қўйилди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолийга мурожаатнома қабул қилинди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев имзо чекди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари И. Каримов, Н. Назарбоев, А.Акаев журналистлар билан учрашдилар. Унда муҳокама этилган масалалар, имзоланган ҳужжатлар Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, халқларимиз ҳамжиҳатлиги, тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

— Бугунги учрашувлар, музокаралар Марказий Осиёдаги уч республика тараққиёти тарихида муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз, — деди Президент Ислом Каримов. — Бу ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш борасидаги ҳаракатларимизнинг амалий тус ола бошлагани ва тез орада ўз маҳсулини беришини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ушбу уч республика ўртасидаги ягона иқтисодий макон хаёлий орзу эмас. У оддий инсонлар узоқ вақтдан бери самарасини кутаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ҳам фарқ қилади. Марказий Осиё давлатлараро кенгашининг қўшма лойиҳаларга эга эканиёқ бу фикримизнинг исботидир. Қолаверса, Президентларнинг журналистлар саволларига жавобларидан ҳам халқларимизни тараққиётга элтувчи йўлдан собит боришга аҳд қилинганини уқиш мумкин. Шу ўринда, баъзи мамлакатлар оммавий ахборот воситалари Марказий Осиё республикаларидан айримлари минтақада етакчилик мавқеи учун курашаётгани тўғрисидаги турли фитна гаплар тарқатаётганини эслаш жоиз.

«Албатта, қон-қардош, маънавияти, урф-одати бир халқларимизнинг дўстлиги, ҳамжиҳатлигини кўролмайдиганлар шу хил иғволардан манфаатдор экани ҳаммага маълум. Бунинг учун тарихга назар ташлашнинг ўзи кифоя», деди Ислом Каримов. Президентлар шу қабилидаги иғвогарона гаплар халқларимиз ўртасидаги бирликка ва республикаларимизнинг иқтисодий бирикуви йўлида бошланган хайрли ишларга тўсқинлик қила олмаслигини таъкидладилар.

Яқин йилларда 2000 йиллигини нишонлаш арафасида турган кўҳна Тараз—ҳозирги Жамбул шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев туркий халқларнинг жасур ўғлони Турор Рисқулов хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида қатнашдилар. Т. Рисқулов умр бўйи Туркистон халқлари озодлиги ва бирлиги йўлида курашган эди.

Бугун ушбу кўҳна замин халқлари ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда истиқболли келажак сари одимламоқда. Зеро, қўшни ва қардош мамлакатларимизнинг ўтмиши бир эди, келажаги ҳам бир. Юксак тараққиёт йўлидаги мақсадлари-да бир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Жамбулдан Тошкентга қайтиб келди.

Сафар давомида мамлакатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ.Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Муҳаммад ШАРИФ.
(ЎзА махсус мухбири).
Тошкент —Жамбул —Тошкент.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 декабрь куни мамлакатимиз ҳақида мақола тайёрлаш учун юртимизда меҳмон бўлиб турган Американинг «Институшнел инвестор» журнали журналистлари Мишель Луис Эрл ва Бен Айресни уларнинг илтимосларига биноан қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, жаҳондаги кўплаб мамлакатлар ишбилармон доиралари орасида катта обрўга эга бўлган «Институшнел инвестор» журналининг Ўзбекистон ҳақида ўз ўқувчиларига ҳаққоний маълумотлар бериши иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган мустақил республикамиз учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Юртбошимиз суҳбат чоғида журналистларнинг Ўзбекистоннинг табиий ва иқтисодий имкониятлари, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар, миллий валютанинг қадрини ошириш борасида қилинаётган ишлар, халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқалар ҳақидаги ва бошқа саволларига батафсил жавоблар қайтарди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

(ЎзА).

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

17 декабрь куни Россия Федерациясида Давлат думасига сайлов бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси қарорига биноан 43 та сиёсий партия ва бирлашма ҳамда блоклар сайловда ўз номзодлари билан қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, курашгандилар.

Россиянинг «Маяк» радиоси хабарларига кўра, кеча соат 10.00 га қадар бўлган вақтгача якшанба куни бўлиб ўтган сайловда дастлабки тахминий ҳисоб-китоблар бўйича Г. Зюганов бошлиқ РФКП 21,8 фоиз, В. Жириновскийнинг РЛДПси 11,2, «Россия-бизнинг уйимиз» жамоатчилик-сиёсий ҳаракати 9,5, «Яблоко» жамоатчилик бирлашмаси 8,4 фоиздан овоз тўплаганлар. Лекин бу сўнгги ҳисоб-китоб эмас. Яна қанча сиёсий партия ёхуд бирлашма 5 фоизлик тўсиқни енгиб ўтиши мумкинлигини Марказий сайлов комиссиясининг охирги ҳисоб-китобларида аниқланиши кутиляпти.

ЯНГИ БОШ ВАЗИР ТАЙИНЛАНДИ

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам мамлакат янги Бош вазирини тайинлади. Бу лавозимга илгари Сеул миллий университетида ректор бўлиб ишлаган Ли Су Сун лойиқ деб топилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, мамлакат Вазирлар Маҳкамаси яқин келажакда бутунлай қайта ташкил этилади.

САМОЛЁТ ҲАНУЗ ТОПИЛМАЯПТИ

Россиянинг Узоқ Шарқида ғойиб бўлган ТУ-154 самолётини топиш учун олиб борилаётган қидирув ишлари натижа бермаяпти. Шу боис, қидирув ташкилотчилари Япония ва Хитой ҳукуматларига ёрдам сўраб мурожаат қилди.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• НЕМИС ТЎЛҚИНИ: Об-ҳаво муаммолари бўйича Римда ўтказилган конференция иштирокчилари ҳудуди кичик ороллардан иборат Мальдив, Сейшель ёки Маврикий давлатлари бу ердаги иқлимнинг кескин ўзгариши туфайли сув остида қолиб кетиши хавфи борлигини айтмоқдалар.

• РАТА-ТАСС: Японияда-ги «АУМ синрикё» диний мазҳаби раҳбарларидан бири Кинохидэ Хаякава ҳарбий мақсадларда ишлатиладиган зарин гази ёрдамида кўплаб одамларни заҳарлашга тайёргарлик кўришда қатнашганлигини айтиб, ўз айбини тан олди.

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИ: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлиги остида Боснядаги ишларни охирига етказишнинг иложи бўлмагач, бу ерда албатта бирон бир ташаббускор етакчи кераклиги зарур бўлиб қолди. Бу вазифани эса ҳеч ким ўз зиммасига олишни истамади: на французлар, на британияликлар, на россияликлар бу ишга бел боғлашолмади. Оқ уй эса бу соҳада дадил қадамни қўйди, демак бўшлиқ тўлдирилди, ташаббускор топилди.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 20 декабрь куни соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан

ЮКСАЛИШИМИЗ ОМИЛИ

Жамиятимизда қарор топаётган кўппартиялилик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятида ҳам, ўзининг бутун қирралари билан, борган сари кўпроқ намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз парламентидаги фракциялар ўз партияларининг у ёки бу нуқтаи назарини ифода қилиш ила мазкур жараёнга жўшқинлик бахш этмоқдалар. Халқ ноиблари ҳамда улар аъзо бўлган фракциялар фикр-мулоҳазалари ва нуқтаи назарларининг хилма-хиллиги, шубҳасиз, қонун лойиҳаларини пишиқпухта ва ҳар томонлама мукаммал ишлаб чиқиш, бунда аҳоли барча қатламлари манфаатларини тўлароқ ҳисобга олиш имконини беради.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 21 декабрь куни ўз ишини бошлайдиган тўртинчи сессияси муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиз парламентидаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалолов билан учрашиб, ундан бир қатор саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

—Абдулҳафиз Мараҳимович, маълумки, Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси ўзининг фақат унга хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Сизнинг фикрингизча, агар, бўлажак сессиянинг муҳокамасига киритилиши таклиф қилинаётган масалалар мажмуини олсак, унинг хусусиятлари нималардан иборат?

— Кун тартибига қараб айтадиган бўлсак, навбатдаги сессия, назаримда, ижтимоий ҳаётимиз, иқтисодиётимиз, мамлакатимизда маврифий бозор муносабатларини шакллантириш, Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари, хуллас, серқирра турмушимизнинг барча соҳаларини янада демократиялашга, мамлакатимизнинг келгуси йилдаги, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаган, юксалишига омил бахш этувчи сессия бўлади. Масалан, иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Меҳнат кодекслари лойиҳаларини олайлик. Булар, ахир, ҳар қандай маърифатли жамиятда, унинг Конституциясидан кейинги, энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади-да! Уларсиз изчил, тўлақонли демократиянинг тараққий этиши амри-маҳолдир. Зеро, бундайин ҳужжатлар шахс, унинг эркинликлари устиворлигини қарор топтиради, инсонни, меҳнат соҳиби сифатида,

(Давоми 2-бетда).

ЮКСАЛИШИМИЗ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

улуғлаб, унинг ҳуқуқларини мустаҳкамлайди, айни пайтда, бурчлари ва масъулияти нималардан иборатлигини аниқ-равшан белгилаб беради. Шунингдек, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, халқаро шартномалар, давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларининг ҳам муҳимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мен уларнинг ҳаммаси, моҳият эътибори билан, юртимиз Асосий Қонуни негизида тайёрланганини ҳамда унга, умуман, монандлигини қайд этиб ўтишни истардим.

— Одатда, кишилар депутатларнинг ишига газеталарни ўқиб, ойнаи-жаҳондаги кўрсатувларга қараб, баҳо беришади. Бироқ, фракцияларнинг фаолияти ҳақида, нима учундир, ҳозирча кам гапирилмоқда. Агар сир бўлмаса, ўзингиз бошчилик қилаётган фракциянинг қонун лойиҳалари устида қандай ишлаётганлиги, булар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни қай тарзда ифодалаб, уларни Олий Мажлис эътиборига қай йўсинда етказилиши ҳақида сўзлаб бersангиз?

— Дарҳақиқат, одатда, телевизор экранида сессиягача олиб борилган ишлар натижаси намойиш қилинади, дейиш мумкин. Асосий, таъбир жоиз бўлса, машаққатли ишлар «тасвир ортида» қолиб кетиб, кўринмайди. Аммо, айнан ўша ишлар бу меҳнатнинг қандай натижа билан тугашини белгилайдилар.

Бу, чуқур таҳлилни талаб қилувчи, айтишим мумкинки, кўпроқ илмий фаолиятга ўхшаш, оғир юмушдир. Дарвоқе, бизда ҳам ана шундай иш билан шуғулланишга қодир, катта салоҳиятли кучлар бор. Фракциянинг ҳар бир аъзоси, ўзаро келишилган қоидага биноан, бўлажак сессия бошланишидан анча олдин, Олий Мажлисда муҳокама қилинадиган ҳужжатлар лойиҳаларини олади, бу билан уларни обдон ўрганиш имкониятига эга бўлади. Депутатларимиз ўз таклиф ва мулоҳазаларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига юборадилар. Улар бу ерда умумлаштирилиб, сўнг Олий Мажлис Кенгаши Ишчи гуруҳига, аввалдан белгиланган вақтда, одатда, сессиядан 15-20 кун олдин, ҳавола этилади. Бизнинг таклифларимиз қонун лойиҳаларини пишиқлаштиришда, асосан, ҳисобга олинмоқда ва улардан фойдаланилмоқда.

Албатта, ушбу жараён ҳамма вақт ҳам силлиқ кечавермайди. Кўплаб масалалар бўйича қизғин мунозаралар бўлади, баҳслашишга, ўз нуқтаи назарларимизни исботлашга тўғри келади. Лекин, ҳаммаси вазминлик билан, шарқона ахлоқ-одоб доирасида, айтганимиздек, сессиядан анча олдин, жумладан, Олий Мажлис қўмиталарида (уларнинг ҳаммасида бизнинг фракциямиз аъзолари бор) таклифлар кўриб чиқилаётганда юз беради.

Сўнг, улар, яъни муҳокамалар, бевосита Олий Мажлис сессиясининг ўзида давом этади. Ушбу сессияда кўриладиган қатор ҳужжатлар бўйича ҳозирда 80 дан зиёд бизнинг таклиф-мулоҳазаларимиз юборилган.

— Маъзур тутинг, ҳозирги сессия кун тартибига киритилаётган масалалардан бирортаси тўғрисида ўзингизнинг шахсий, алоҳида фикрингиз ҳам борми?

— Очиқ айтадиган бўлсак, кўпчиликни қизиқтираётган, назаримда, жуда муҳим масала, бошқалар қатори, турибди. Мен билдирмоқчи бўлган бу ўриндаги нуқтаи назарни, фақат шахсан меники, дейиш қийин. У фракциямиз кўпчилик аъзоларининг қарашларини ифодалайди, десам, балки, хато бўлмас. Бу ўринда гап «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси хусусида кетаяпти. У демократияни ривожлантириш ўзанида ниҳоятда катта воқеа бўлиб, Қонун лойиҳаси, умуман олганда, юқори савияда тайёрланган. Бироқ, унинг 2-моддасига оид қоидаларидан бири, менимча, Ўзбекистон Конституциясига бирмунча зиддир. Ушбу моддада, жумладан, «Олий Мажлис депутатини, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф депутатликка номзод кўрсатган тегишли орган ёки тегишли сайлов округи сайловчилари томонидан киритилади», дейилган. Модданинг биринчи қисми мутлақо аниқ ифодаланган бўлиб, унга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Чунки, депутатни, қонунда кўзда тутилган ҳолларда, чақириб олиш тўғрисидаги таклиф номзодни кўрсатган ташкилот, ҳа, айнан ўша орган томонидан киритилиши тўппа-тўғри. Юқорида зикр этилган модданинг лойиҳада таклиф қилинаётган иккинчи қисмида эса, фикримизча, баҳсли ўринлар мавжуд. Хўш, айтингчи, «тегишли сайлов округининг сайловчилари» депутатни чақириб олиш ҳақидаги таклифни нималарга асосланиб, қай йўсинда, қандайин ташкилий шаклда ва кимга киритишлари мумкин? Бу билан биз сайловчиларни кимга қарши ташкилий уюшишларига «қонуний» замин ҳозирламоқчимиз? Биз, ижтимоий барқарорлик тарафдори эканмиз, наҳотки, ҳамма нарсани батартиб, жамиятда қабул қилинган муолажалар орқали ҳал қилишга эришишни маъқул кўришимизнинг мақсадга мувофиқлиги аниқ бўлмаса? Ахир, Конституция ва сайловлар тўғрисидаги қонунларда депутатликка номзод кўрсата олиш ҳуқуқи берилган, бунинг учун барча масъулият зиммасига юкланган, мутасадди ташкилотлар аниқ-равшан белгиланган-ку! Ахир, «тоат-ибодат» ҳам чалама-чакки эмас, балки, «охиригача» бўлади, деб бежиз айтилмаган. Бошқа томондан, қонуний тарзда, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти вакиллик, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари бу ишни, ҳар қандай ҳолатда ҳам, сайловчилар фикрини ҳисобга олмай, амалга ошира олмайдилар.

Шунга кўра, 2-модданинг 2-қисмини ўзгартириш ҳамда уни, «Олий Мажлис депутатини, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф номзодни депутатликка кўрсатган тегишли орган томонидан, сайловчилар фикри ҳисобга олиниб, киритилади» деб ифодаланса, айни муддао бўларди. Масалани мазкур тарзда қўйилишининг мазмунидан келиб чиқиб, Қонун лойиҳасининг 4-моддаси номини «Олий Мажлис депутатини чақириб олишда сайловчилар фикрини ҳисобга олиш тартиби», деб аталиши ҳамда унинг биринчи хатбошисини матндан тушириб қолдирилишининг мақсадга мувофиқлиги, ўйлаймизки, ўз-ўзидан равшан. Тегишли тузатишни мазкур Қонун лойиҳасининг 5-моддасига ҳам киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз Олий Мажлис тўртинчи сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган барча ҳужжатлар лойиҳалари ҳақидаги масалани партиявий фракциямиз мажлисида кўриб чиқишни, улар юзасидан умумий нуқтаи-назаримизни аниқ белгилаб олиш ниятидамиз. Шунингдек, мазкур масала бўйича партиямиз Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми йиғилишини ўтказиш режамиз ҳам бор. Хуллас, ишлар кўп.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Ўзбекистон ХДП вилоятлар Кенгашлари пленумларида

ТАЛАБЧАНЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ БЎШАШМАСИН

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши X пленумида Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги нутқларидан республика партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Асановнинг маърузаси тингланди.

Юртбошимиз нутқларида иқтисодий ислоҳотлар айрим жойларда жуда секин бораётганлиги, ишлаб чиқариш суръатларининг жуда пастлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича фармонлар қониқарсиз бажарилаётганлиги, халқ таълими, маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги жиддий камчиликлар кескин танқид қилинди. Бундай нуқсонлар Қорақалпоғистон шаҳар ва туманларида ҳам тўпланиб қолганлигини маърузачи ва музокараларда қатнашган Ўзбекистон ХДП Қўнғирот, Тўрткўл, Қораўзак, Кегайли туманлари кенгашлари биринчи котиблари А. Камолов, З. Раззоқов, Қ. Дўстназаров, Е. Хўжанов, Шуманай туманидаги Абдуллаев номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби А. Сориев, Амударё туманидаги «Хоразм» ҳудудий партия ташкилоти котиби Р. Ҳайитбоевлар мисоллар асосида чуқур таҳлил қилдилар.

Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистонда 31 мингдан зиёд ХДП аъзосини бирлаштирган 910 та бошланғич партия ташкилоти бор. Бу — жуда катта куч. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва самарадорлигини оширишда уларнинг ўрни беқиёс. Қатор партия ташкилотлари республика иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Амударё, Тахтакўпир, Қораўзак, Қонликўл туманлари партия кенгашлари ижроия бюроларида бошланғич партия ташкилотларининг иқтисодий ислоҳотлардаги иштироки масаласи муҳокама қилинди. Раҳбарлик лавозимидаги ХДП аъзолари фаолиятига тегишли баҳо берилди. Афсуски, ХДП аъзоси бўлган айрим раҳбар ходимлар, мутахассислар, партия ташкилотлари етакчиларининг ҳаммаси ҳам ислоҳотлар тақдири учун масъулиятни бирдай чуқур ҳис қилмаяптилар. Оқибатда, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпаймаяпти. Деҳқончиликда аҳвол ташвишланарли: Тўрткўл, Беруний, Амударё, Чимбой, Кегайли, Шуманай, Хўжайли туманларида бу йил пахта тайёрлаш топшириғи барбод этилди. Бунинг учун ХДП аъзолари бўлган раҳбар ходимлар ҳам бевосита масъулдирлар.

Республикада талайгина маданият муассасалари, кутубхоналар ишламаяпти, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, кам таъминлаган, боқувчисини йўқотган ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлашда қатор нуқсонларга йўл қўйилмоқда. ХДП кенгашлари ва ташкилотлари нима сабабдан бундай аҳволга бефарқ қарамоқдалар?

Пленумда ички партиявий интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, ҳудудий бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, партия аъзолик бадалларини тўплашда Низом талабларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Пленум мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш, партия ташкилотларининг ислоҳотлардаги иштирокини кучайтиришга қаратилган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти раиси У. Аширбеков нутқ сўзлади. Унинг ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси С. Авезматов иштирок этди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: ҳисобот -сайловлар

ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

Жиззах пайпоқ тўқув корхонаси иш бошлаганига ҳадемай олти йил тўлади. Ана шу қисқа вақт ичида корхона жамоаси, ХДП бошланғич ташкилотининг фаол иштирокида, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, малакали ишчи кадрларни тайёрлаш ва замонавий технологияни жорий этиш, мингга яқин ишчи-хизматчининг унумли ишлаши учун муҳим шарт-шароитларни яратиб, ривожланишнинг равон йўлига тушиб олди.

Яқинда бошланғич партия ташкилотининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шулар ҳақида гапирилди. Ҳозир ташкилот ҳисобида 91 нафар партия аъзоси бор. Унга 2-цех бошлиғи, тажрибали технолог-муҳандис Саодат Нарзиқулова етакчилик қилмоқда.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилотининг оммавий-сиёсий ишлари, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ХДП аъзоларининг жамоадаги таъсирини кучайтириш, республика Президентининг халқчил сиёсати моҳиятини тушунтиришга оид фаолияти, ундаги мавжуд камчиликлар, корхона ишчилари маиший турмушини янада яхшилаш муаммолари хусусида гапирилди. С.Нарзиқулова яна бошланғич партия ташкилоти котиби этиб сайланди.

***

«Малик» тажриба ширкатлар уюшмаси Сирдарё туманидаги йирик жамоалардан бири. Хўжалик ҳудудий партия ташкилоти эса тумандагина эмас, балки, вилоятдаги нуфузли ташкилотлардандир. Бу ерда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида унинг котиби Зокир Чилтонов ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди ҳамда олдинда турган вазифалар тўғрисида гапирди.

Хўжаликда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, ХДП аъзоларининг бевосита иштирокида, ибратли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, унда 59 та деҳқон-фермер хўжалиги бор. Хусусий мулк эгаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаётир. Ҳозир ҳудудий партия ташкилоти ҳисобида 140 нафар ХДП аъзоси бор. Ҳисобот даврида эллик киши партия сафига қабул қилингани мазкур ташкилот обрўйи баландлигидан далолатдир.

Йиғилишда З. Чилтонов яна котиб этиб сайланди.

***

Юқоридаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов қатнашиб, партиямиз ташкилотлари ва барча аъзоларининг республика Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида сўзлади.

Йиғилишларда Ўзбекистон ХДП Жиззах ва Сирдарё вилоятлари Кенгашларининг биринчи котиблари: Г. Субҳонова ва Т. Исмоилов, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари Ш. Чилғашев ва С. Усмоновлар қатнашдилар.

К. ЖЎРАҚУЛОВ,
А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ТОШМУҲАММАД АЛИЕВИЧ САРИМСОҚОВ

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов 81 ёшида вафот этди.

Ўлим сафимиздан ажойиб инсон, жаҳонга машҳур олим, илмфан ва олий таълимнинг таниқли ташкилотчиси, кўзга кўринган жамоат ва сиёсат арбобини олиб кетди.

Тошмуҳаммад Саримсоқов мамлакатимиз ва хорижда математик илмий жамоатчилик орасида эҳтиромлик назарияси, функционал, умумий топология ва уларнинг қўлланилиши соҳасидаги теран тадқиқотлар муаллифи сифатида танилган эди. У математикада истиқболли янги йўналишларга асос солган эди.

Тошмуҳаммад Саримсоқов Тошкентда ташкил этган функционал таҳлил ва эҳтимоллик квант назарияси мактаби шу илмий йўналиш негизида муваффақиятли ишламоқда ва ривожланмоқда.

Тошмуҳаммад Саримсоқов 1915 йил 10 сентябрда Андижон вилоятининг Шаҳрихон қишлоғида туғилган эди. У 1936 йилда Ўрта Осиё Давлат университетини, сўнгра аспирантурани битиради.

Тошмуҳаммад Саримсоқов иккинчи жаҳон уруши йилларида армия сафида хизмат қилди, эҳтимоллик назарияси, математик статистика масалалари билан жиддий шуғулланишни давом эттириб, 1942 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Тошмуҳаммад Саримсоқов республика Фанлар академиясининг асосчиларидан бири бўлиб, 1943 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, 1946 йилдан 1952 йилга қадар академия президенти лавозимида ишлади. Йигирма йил давомида Тошкент Давлат университетига бошчилик қилди ҳамда республика олий ва ўрта маъсус таълим вазири бўлиб ишлади.

У кўплаб халқаро илмий ҳамда ижтимоий-сиёсий анжуманларнинг иштирокчиси, 200 га яқин илмий ишнинг муаллифи бўлиб, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор берар эди. У барпо этган илмий мактабда 40 дан ортиқ фан доктори ва номзоди устознинг ишини давом эттирмоқда.

Тошмуҳаммад Саримсоқов ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этган, кўпгина чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланган эди. У Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик совет қўмитаси раисининг ўринбосари, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Ўзбекистон қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб, халқлар бирдамлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган арбоб эди.

Тошмуҳаммад Саримсоқов илмфан ва олий таълимни ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, кўп орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Ажойиб олим Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовнинг ҳаёти ватанга ва ўз халқига фидокорона хизмат қилишнинг намунасидир. Бу ажойиб инсон ва улкан олимнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, С.САИДҚОСИМОВ, Т.АЛИМОВ, А.АЗИЗХЎЖАЕВ, Т.ЖЎРАЕВ, П. ҲАБИБУЛЛАЕВ, А.ХОЛМУРОДОВ, А.АБДУВАҲОБОВ, И.ИСКАНДАРОВ, М.КОМИЛОВ, Ш. АЮПОВ.

АБИТУРИЕНТЛАР, ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ЮРИДИК КОЛЛЕЖИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПУЛЛИК, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ТАЙЁРЛОВ КУРСИ 6 ОЙЛИК ЎҚУВ ДАСТУРИ БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ 1995 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИДАН БОШЛАЙДИ.

Ўқув гуруҳлари гуманитар фанлар: тарих, ўзбек тили ва адабиёти, чет тиллар бўйича тайёрланади.

Ўқитиш махсус тайёрланган дастур ва тест синовларига тайёргарлик услублари асосида ташкил этилади.

Ўқиш 6 ойлик дастур бўйича 1996 йил 3 январдан бошланади.

Ўқиш учун тўловлар якка тартибда ва шартнома бўйича қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700123, Чилонзор, 12 квартал, 67-А уй.
Телефонлар: 75-35-76, 75-77-01.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

КЎПЧИЛИККА ИШОНГАН МАҚСАДИГА ЕТАДИ

Денов вино-ароқ заводи бир неча йиллар давомида раҳбарга ёлчимади. Бу ерга кимлар келиб, кимлар кетмади дейсиз. Лекин завод ўнгланиш ўрнига, йилдан-йилга қарзга ботиб қолаверди. Раҳбарлар ҳам алмашаверди. 1994 йилнинг охирига келиб корхона давлатдан 96 миллион сўм қарздор бўлиб қолди. Хуллас, заводда ўзибўларчилик, раҳбарлар қўнимсизлиги, лоқайдлик каби иллатлар авж олганди.

Жорий йилнинг бошида эса корхона аҳли маслаҳатли бир иш қилишди. Яъни, шу ерда 17 йилдан бери меҳнат қилаётган қобилиятли мутахассис Зиёда Бўроновани ўзларига янги раҳбар қилиб сайлашди. Тўғри, дастлаб айримлар аёл боши билан катта бир заводни бошқара олармикин, деган фикрга боришди. Лекин икки-уч ой ичида корхона молиявий аҳволининг яхшилана бораётганини кўриб, бу фикрни айтганлар ҳам мум тишлаб қолишди.

— Ишни аввало, тартиб-интизом ва кадрларни ўз ўрнига қўйишдан бошладик — дейди Зиёда опа. Ҳақиқатан ҳам корхонамизда тартиб — интизом бўшашиб кетганди. Дастлаб қийин бўлди. Тўрт юзга яқин ишчининг кўнглини топиб, уларга тўғри йўл кўрсатишнинг ўзи бўлмайди-да, ахир. Лекин мутахассис ва ишчиларимиз мени тўғри тушунишди. Маслаҳат билан республика миқёсида 110 дан ортиқ дўкон қурдик. Бу дўконлар завод ихтиёрида бўлиб, ҳар ойда 6-7 миллион сўмлик маҳсулот сотди ва ҳисоб рақамимизга фойда келтира бошлади. Савдо ташкилотлари эса биздан 17 миллион сўм қарздор эди. Ана шу қарзларни ҳам ундириб олдик. Ҳисобимизда маблағ кўпая борди. Энди қандай қилиб бўлсада, қарздан қутулиш йўлларини изладик. Тўрт минг тонна узумни қайта ишлайдиган «ВПЛ-20» ускунаси ўрнатиб, элликка яқин одамни иш билан таъминладик. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди. Ана шу йўллар билан 96 миллион сўм қарзимиздан қутулдик.

Бир неча йиллар давомида заводда йиллик режа бажарилмаганди. 1994 йилда ҳам 70 минг деколитр ароқ қуйилиб, йиллик режа ўлда-жўлда бўлиб қолган. Шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида эса 105 минг деколитр ароқ тайёрланиб, йиллик режа 150 фоизга уддаланди. Қоларверса, янги вино цехига беш минг тонна узум қабул қилиниб, 400 минг дал вино қуйилди ва республикамиз вилоятларига, МДҲ мамлакатларига сотилди. Вилоятдаги бошқа вино тайёрлаш цехларидан эса 350 минг деколитрдан ортиқ маҳсулот ҳам хорижга жўнатилди.

— Йил бошидаёқ қилинган барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади — дея давом этди Зиёда опа.— Шиша идишлар, қопқоқ ва янги ёрлиқларни хорижий фирма вакиллари билан келишган ҳолда олиб турдик. Аввалига спиртдан бироз қийналдик. Лекин, Италиядан вино айирбошлаш йўли билан 80 минг дал спирт келтирганимиздан сўнг ишларимиз ўнгланди. Бундан бир неча ой аввал эса ароқ қуйиш учун Голландиядан 150 тонна спирт қабул қилдик.

Тўғри, раҳбар ишбилармон ва тадбиркор бўлса, шундагина хоҳ

талайгина. З Ҳамроев, Э. Ҳолиқов, А. Назаров, Б. Ҳайиталиев, С. Пардаев, М. Турдиева, Ў. Раимқуловлар шулар жумласидандир. Айни шундай жонкуярларимиз билан кенгашиб ишлаганимиз, ютуқларимиз гарови бўляпти. Бу муваффақиятларни мустаҳкамлаган ҳолда, келгуси йилнинг биринчи ярмидан янги ароқ қуйиш линиясини ишга туширмоқчимиз. Бу линия яқин кунларда хориждан келтирилади. Заводимизда спирт ишлаб чиқарадиган ускуна ўрнатиш режамиз ҳам бор. Бу ишни бизга белорусл ик шерикларимиз бажариб беришмоқчи.

Яна бир янгилик. Яқинда Денов вино-ароқ заводи ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ўзининг акцияларини чиқариб, ҳозирги кунда бу акциялар завод ишчиларига ва чет эл сармоядорларига сотилмоқда. Хуллас, завод кундан-кунга бойиб, хорижга юз тутмоқда. Чет эл тадбиркорлари билан ўз алоқаларини мустаҳкамлаяпти. Айтиш мумкинки, келажакка бугундан пойдевор қўйиляпти.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИҚҚАТ: КИМ ОШДИ САВДОСИ!

1995 йил 25 декабрь куни Тошкент вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими Олмалиқ шаҳри ҳокимлигида

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

1. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 13-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
2. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 14-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
3. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 15-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
4. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 16-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
5. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 17-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
6. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 18-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
7. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 33-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
8. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 45-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
9. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 62-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.
10. «Бўстон» қўрғони, 1-микрорайон 2-мавзесидаги 67-рақамли 600 кв. м. ер майдони.
Бошланғич нархи — 23800 сўм.

ШУНИНГДЕК, 25 ДЕКАБРЬ КУНИ ҚУЙИДАГИ ДЎКОНЛАР ҲАМ САВДОГА ҚЎЙИЛАДИ:

1. Горький кўчасидаги 47- уйда жойлашган 33-дўкон. Умумий майдони 532,8 кв. м.
Бошланғич нархи — 130.000 сўм.
2. Маяковский кўчасидаги 1-уйда жойлашган 88-дўкон. Умумий майдони — 1669,1 кв. м.
Бошланғич нархи — 870.000 сўм.
3. Маяковский кўчасидаги 7-уйда жойлашган 34-дўкон. Умумий майдони 1702,2 кв. м.
Бошланғич нархи — 805.200 сўм.
4. «Октябрь 50 йиллиги» кўчасида жойлашган 5-дўкон. Умумий майдони 693,7 кв. м.
Бошланғич нархи — 170.000 сўм.
5.« Октябь 50 йиллиги» кўчасида жойлашган «Горизонт» қаҳвахонаси. Умумий майдони 552,4 кв. м.
Бошланғич нархи — 120.000 сўм.

Аризалар қуйидаги манзилгоҳларда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават. (Музей биносида).
Олмалиқ шаҳар (шаҳар ҳокимлиги биносида) хусусийлаштириш бўлимида. ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 33-67-22, 36-27-70.

— Э, мингга киринг, кампиржон!

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат-лавҳа

Гап эгасини топади

РАИС САРДОР БЎЛСА-ДА

Мактубни Ўрта Чирчиқ тумани Ким Пень Хва номли халқ корпорацияси ҳудудидаги маҳалладан ёзяпмиз. Сирасини айтсак, мазкур корпорация президентининг ҳиммати билан маҳалламиз газлаштирилганди. Иккита газ тақсимлагич ўрнатилган. Шундан одамлар нега ундай бўлади, бир томонга газ кўпроқ, бошқасига камроқ бўлиб қолдику, деган фикрга боришди. Гап шундаки, газ тақсимлагичнинг бири каттароқ, иккинчиси кичикроқ эди. Хуллас тақсимлагичлар туташтирилди.

Лекин газ оқими бир ёқлама яхшилангандай бўлди. Ҳаммаси ҳам майли-я, раисимиз Аҳмад Тожибоев одамларни тўплаб, газ тақсимлагичларни туташтирганларни жазолашга чорласа бўладими? Мутахассислар келишди, текшириб кўриб, лойиҳа бўйича газ тақсимлагичларни туташтириш мумкин эмаслигини айтишди. Умуман гап бунда эмас. Гап маҳалла қўмитаси раисининг одамларга бошчилик қилолмаётганида. У кишида одамохунлик, ҳожатбарорлик, куюнчаклик, ташкилотчилик каби раҳбарларга хос фазилатлар йўқ ҳисоби. Ахир раис дегани маҳалла оқсоқоли, қолаверса, сардор дегани эмасми?

Б. МАЙЛИЕВ, А. МИРЗАБОЕВ, Н. ИСАТАЕВ, ҚАМБАРОВ, ЧОВКЕНОВ ва бошқалар.

• ТАҲРИРИЯТДАН: Одамлар кўнглига йўл тополмаган раиснинг маҳаллага бош бўлиши ҳақиқатан ҳам қизиқ. Ўйлаймизки, ҳокимлик ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимларининг мутасаддилари иштирокида ўтказилган йиғилиш бу масалага ойдинлик киритади.

ДОДИМНИ КИМГА АЙТАЙ?

Янгиерлик Ғайбулла Марабиев бизга мактуб йўллаб, дардини баён этганди. Жумладан, у 1958 йил сентябрдан шу йилнинг 28 июнига қадар, яъни 37 йил мобайнида Ховос локомотив депосида мунтазам меҳнат қилган. Шундан кейин депо бошлиғининг буйруғи билан нафақага чиққан. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлимидагилар: сизнинг ҳужжатларингизни 1994 йил 16 августдан қилиб расмийлаштирамиз дейишган. Отахон эса кўп ўтмай нафақа оларканман деб кўнгли таскин топган. Афсуски, 5 ой бўляптики нафақадан дарак йўқ. У кишининг шикоят мактубини Янгиер шаҳар ҳокимига йўллаган эдик. Ҳоким З. Самадов имзоси билан йўлланган жавоб хатида эса шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Д. Бобожонова далилларига асосланиб, фуқаро Марабиевни муддатдан илгари нафақага узатишнинг имкони йўқ, чунки имтиёзли нафақага чиқиш учун у киши 12 йилу 6 ой зарарли цехда ишлаши керак эди. Марабиев эса бор-йўғи 10 йилу 8 ой 10 кун ишлаган, деган жавоб билан қаноатланилган.

• ТАҲРИРИЯТДАН: Афтидан Янгиер шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ва шикоятга жавоб йўллаган ҳокимликда ҳам хатнинг моҳиятига тушуниб етилмаган. Ахир шикоятчида нима айб. Ёши етмаган бўлса ёки барвақт нафақага чиқишга имтиёз бўлмаса Ховос локомотив депоси мутасаддилари нега буйруққа имзо чекадилар. Ғ. Марабиевнинг оиласи, бола чақаларининг аҳволи нима бўлади? Ҳокимлик ана шу ҳақда ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди.

«Обуна — 96»

МАЪНАВИЙ ЗАРУРИЯТ

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилигимиз турмуш ташвишлари билан овора бўлиб, назаримда, маънавиятга унчалик эътибор бермай қўйдик. Бу кишининг ўзини ўзи алдашидир. Чунки, одам қанчалик моддий бойликка эга бўлмасин, агар маънавий дунёқараши саёз бўлса, уни тўкис, мукаммал, гўзал ҳулқли деб бўлмайди.

Зеро, инсон ақли олмос. У ҳамиша тафаккурини бойитишга, ўқиб-ўрганишга эҳтиёж сезади. Бу билан мен нима демоқчиман? Мана, ҳозир вақтли матбуот нашрларига обуна ҳам тугаб боряпти. У ёки бу газета — жарналга обуна бўлиш менимча маънавиятни, тафаккур доирасини кенгайтиришга интилганлик далолатидир. Биз ҳам бу жараёндан четда қолмадик. Жамоамизнинг 150 нафар ишчи-ходимларини корхона ҳисобидан севимли ва қадрдон газетамиз — «Ўзбекистон овози»га бир йиллик муддатга обуна қилдик.

Кўчқор ШЕРМАТОВ,
Сирдарё вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бош директори.

Халқ айтгани ҳақ чиқар

Турмуш сўқмоқлари

О Р И Я Т

Қулмурод ота бир неча ойдан буён тўшакка михланиб ётибди. Нурсиз кўзларида нимадир яширинган. Дилининг аллақаерида беркинган армон дардини кучайтиргани-кучайтирган. Ошкор қилишга ботинолмайди. Кампири, ўғли, неваралари олдида қарздорлигини ҳоли қолганда қўшниси Ҳожи отага айтай дейди. Аммо...

— Бунча жимиб кетдингиз бобоси, — дейди кампири, — у ёқ -бу ёқдан гапиринг. Ана, неварангиз бобо дейишни ўрганди, ўлмасак тўйини ҳам кўрамиз.

Қулмурод ота дармонсиз қўлларини ғудакка чўзади. Бошидан райҳон ҳиди уфуриб турган жажжи болакай унга талпинганда кўзининг кунжагидан ёш думалайди.

— Андишасизлик қилган эканман. Ўзимни кечиролмайман. Ахир, фарзандсизлик мени шу кўйга солган бўлса нима қилай?

Ота шу иқрор ила ўтмишга хаёл суради...

Барваста йигит эди ўшанда, тоғни урса талқон қиларди. Даладан ҳориб қайтишига Хуршида ҳамма нарсани муҳайё қиларди. Лекин уларни бир-бирига боғловчи камар — фарзанд йўқ эди. Шу боис орада гина-қудурат ҳам тез-тез бўлиб туриши табиий. Қулмурод қайта уйланишга қарор қилди. Хуршиданинг жавобини берди. Аммо, ҳадеганда унинг жуфти топилавермади. Бир куни амакиси яхши хабар келтирди: қўшни колхозда бир аёлнинг эри ўлганига анча бўлганмиш, бир ўғли ҳам бормиш.

Хуллас, у ана шу аёлга уйланди. Қаноатой тўйдан анча кейин ўғлини янги «ота»нинг уйига олиб келди. Эрининг болага оталик қилишига ишонар, ўрталарида янги фарзанд бўлишига умид боғлар, шу илинжида ҳар қандай тақдирга ҳам бардош берарди. Йиллар ўтди, лекин улар фарзанд кўришмади. Қулмурод тўй-зиёфатлардан тўйиб ичиб келар, аламини хотини, у етаклаб келган болакайдан олар, тирноққа зорлигидан нолиб бунинг учун яратганни койирди. Шунда Қаноатой:

— Ахир, мунча сиқиласиз. Икромжон ўғлингиз эмасми, сабр таги олтин, — деса балога қоларди.

— Ўзимдан бўлмагани менга ярармиди? Ўлсам ҳассакаш ўғлим, гўрга қўядиган ғамхўрим ўрнини босармиди бу судраб келганинг?! — тишларини қайраб дерди Қулмурод. — Ахир фарзанд кўрсам элга ош бераман деганман!

Эшик ортида беркиниб турган Икромжон «ота»сининг дағдағасидан дир-дир титрар, унсиз йиғларди. «Ота»си вайсай-вайсай уйқуга кетганда уни онаси бағрига олар, эсини таниган бўлса ҳам унга алла айтарди. У қоронғуда онасининг хун бўлиб йиғлашини фаҳмлар, юзига томган иссиқ томчилар алам алангасидек куйдираётганини ҳар доим сезиб турарди. Бир кун «ота»нинг: Итдан бўлган қурбонликка ярармиди, дегани унга қаттиқ ботди. Югуриб келиб онасининг кўлига тирмашиб «юринг бобомникига кетайлик, бувижонимнинг уйи бўш-ку?» дея ёлворди.

Она ўғлининг мунгли чеҳрасидан ўпди, юраги эзилди. «Пешонамизга шу битилган экан, тақдирдан қочиб бўлармиди, катта бўлсанг ҳаммасини тушунасан, болам»демоқчи бўлди-ю, лекин тилини тишлади. Фақат:

— Одобли бола катталарнинг суҳбатига аралашмайди, ўғлим. Бор дарсингни қил, — дея олди. Ўғли бошини эгиб ўйчан маъюс кириб кетди...

Мана, ўшанга ҳам ўттиз йил бўлибди. Икромжон бошқалар сингари Қулмурод акани «амаки» демади — ота деди, ҳурматини жойига қўйди. Ўқиди, касб-корли, оилали, фарзандли бўлди. Эсида, айрим давраларда Қулмурод акага баъзилар арзанданг эсини таниб олсин, албатта ташлаб кетади дейишганда ҳам у сир-бой бермасди. Икромжондаги андиша, онасининг ўгити бу гаплардан устунлик қиларди: бош ёрилса — дўппи остида!..

— Дада тузукмисиз?

Чол Икромжоннинг сўровидан ҳушини йиғди. Қуриган лабларини тили билан оҳиста ялади, сўнг титроқ оҳангда дилидагини очди:

— Ўғлим, мен — ожиз отангни кечиролсанг, кечир, деди у. — Ҳаммаларингдан розиман. Қулмурод ота «ўғлим» деган сўзни энди меҳр билан айтгани учунми унинг ҳам, Икромжоннинг ҳам кўзида ёш ҳалқаланди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ОТАХОН НИМА ДЕЙДИ?

Тўғриси, шаҳри азим Тошкентнинг тобора кенгайиб, ободонлашиб бораётганидан мамнунман. Хусусан, Сағбон кўчалари атрофи бузилди. Янги йўллар солинди. Янгича қиёфа юзага келди. Ҳозир автобус, троллейбуслар қатнаб турибди. Албатта қурилиш, бунёдкорлик ишлари ўз-ўзидан бўлмайди. «Бўл-бўл» асосида кўплаб хонадонларнинг телефонлари июль ойида узиб қўйилганди. «Кейин улаб берамиз» деган ваъдалар бўлганди. Энди ҳамма нарса изга тушиб кетдику, узоқни яқин қиладиган қулай алоқа воситасидан маҳрум бўлиб турибмиз. Бу ҳақда бир неча маротаба тегишли жойларга хатлар ёздик. Лекин жавоб бўлмаяпти.

М. ҚОСИМОВ.

• ТАҲРИРИЯТДАН: Узилган телефон симларини улаб қўйиш наҳотки шунчалик қийин бўлса. Собир Раҳимов тумани телефон тармоғи ходимлари Янги йилгача отахоннинг дардига қулоқ солиб, ҳужжатларини чиқарадилар, деган ниятдамиз.

ЖАҲОНГИР ЮРТИДА КЎПКАРИ

Яккабоғ туманида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўпкари бўлиб ўтди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, дўстларим,
Бўлган эмас бизда бундай кўпкари.
Аминсойнинг адирлари тор келиб,
Отлиқлардан четда қолди кўплари...

Турон юртин тупроқларин минганлар
Етиб келди тўрт томондан ушбу кун.
Чавандозман дея қамчи тутганлар
Совут кийиб улоқ тортди ушбу кун.

Эртарғиннинг дулдулидай от минган
Улоқчига ҳавас қилди одамлар.
Манассифат чавандознинг шиддатин
Қирда туриб олқишлади одамлар.

Дурдиқилич бўш келмади бу гал ҳам—
Сангин ботир улоғига ёпишди.
Баковулнинг «Ҳалол!» сўзин эшиттач,
Одамлари соврин томон чопишди.

Бош соврин-чун кураш бўлди чинакам,
«Ҳатто», «Ҳайда», «Ҳа, бўл!»чилар чарчади.
Лек чарчамас чавандозлар от солиб,
Қайта кириб яна улоқ тортади...

Чавандозу дулдулларнинг ҳовури
Булут бўлиб учди кўп вақт қирларга.
«Қамчини бос!», «Юганни торт!» сўзлари
Далда бўлди бели маҳкам шерларга.

Ўзиб чиқди бир чавандоз ниҳоят,
Баковулнинг «Ҳалол!» сўзи янгради.
Соҳибқирон соврининни олганди
Алпомишга издош бўлган Шерали!

Дулдулларнинг дупуридан ер қалқди,
Бўлган эмас бизда бундай кўпкари.
От устида туриб гўё шодланди
Жаҳонгирнинг мангу ғолиб руҳлари!

Юсуф БЕРДИЕВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЭРМАТ БУВАГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?»

(Газетанинг 1995 йил 10 август сони)

Юқоридаги сарлавҳа остида газетамизда эълон қилинган танқидий мақолага Ёзёвон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Абдуллаев имзоси билан жавоб хати олдик. Хатда, жумладан, шундай дейилади:

— Мақолада Буткочи қишлоғида яшовчи биринчи гуруҳ уруш ногирони Э. Мадраҳимов оилавий шароитига эътиборсизлик масаласи кўтарилганди. Туман ҳокимнинг биринчи ўринбосари, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш бўлимлари бошлиқлари, газ идораси раҳбари, жамоа хўжалиги ва қишлоқ кенгаши раисларидан иборат комиссия тузилиб, шикоят атрофлича текширилди. Маълум бўлишича, Э. Мадраҳимов нафақаларини вақтида олиб турибди. Ижтимоий таъминот бўлими бу хонадонга кўмир етказиб беришни ўз зиммасига олди. Май ойидан бери ишламайдиган радио нуқтаси ҳамда телевизорни созлаб бериш ишларини жамоа хўжалиги раиси Р. Ражабова ўз зиммасига олди. Ногиронлар аравачаси ҳақидаги масалани ижтимоий таъминот бўлимига ёзилган аризага мувофиқ навбатга қўйиш таклифи киритилди. Шунингдек, Э. Мадраҳимовнинг дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун уни махсус тиббий кўрикдан ўтказилгандан кейин оромгоҳларга йўллаш масаласи ҳам ҳал қилинади.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Турмуш ўртоғим вафот этиб, ўғлимга боқувчисини йўқотганлиги учун 195 сўм миқдорида нафақа олардик. Шу йил сентябрдан нафақалар ошди. Аммо бизники кўпаймади. Почталён опадан сабабини сўрасам, хўжайинингизнинг иш стажи тўғрисидаги маълумотларни туман ижтимоий таъминот бўлимига топширинг, деб маслаҳат берди. Лекин хўжайиним ҳеч жойда ишламаган-да.

Д. САИДОВА,
Денов тумани.

ЖАВОБ: Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси нафақа тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасининг «Г» пунктида белгиланганидек, боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида тайинланиши белгиланган. Шунга кўра сиз талаб қилишингиз мумкин.

***

САВОЛ: Социалистик Меҳнат Қаҳрамониман. Нафақага чиқишда қандай имтиёзларим бор?

Муртазо АБДУРАҲИМОВ,
Қашқадарё вилояти.

ЖАВОБ: Сиз шаҳар транспортида (трамвай, автобус, троллейбус, таксидан ташқари) бепул юришингиз, газ, водопровод, электр учун 50 фоиз ҳақ тўлаш, нафақага чиқсангиз республика миқёсидаги шахсий нафақахўр бўлиш имкониятига, ҳар йили бепул санаторийда даволаниш ҳуқуқига эгасиз.

***

САВОЛ: Мен Чернобиль талофатини тугатишда иштирок этганман. Меҳнат стажим 4 йил. Яқинда бетоб бўлиб бюллетень олдим, иш ҳақимнинг қанча фоизи тўланади?

Абдумалик ИБРОҲИМОВ,
Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Сизга иш стажидан қатъи назар маошингиз 100 фоиз миқдорида тўланади.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ.

МУШТАРИЙ:

...танқид қилади

ФАҚАТ СОМСА БОРМИШ

Сирдарё вилояти Пахтаобод қўрғонидаги кафеда тушлик қилиш учун киришга тўғри келганди. Ахир кафе бўлганидан кейин қоидага кўра кўпроқ қуюқ таомлар, бир хил суюқ, яъни шўрва суви бўлиши даркор. Таомнома ҳам кўринмайди. Буфетчи ҳам иш билан банд экан. Қандай овқатлар бор деб сўрасак: фақат сомса, дейишди. Иккита сомсага 6 сўм тўладим. Кўпгина хўрандалар қатори ҳайрон бўлдим. Наҳотки кўп кишига мўлжалланган ошхонада жилла бўлмаса, аёзли кунларда иссиқ таомлар тайёрлашнинг иложи бўлмаса.

Ҳ. ЭГАМБЕРДИЕВ.

...эътироз билдиради

ИМТИЁЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНГАНМИ?

Мен II гуруҳ ногиронман. Ҳамма қатори ўзимга муносиб имтиёзлардан фойдаланиб келаман. Лекин қайси куни 45-маршрутда қатновчи автобусга ўтириб, дилим сиёҳ бўлди. Ҳайдовчи менга патта олишни талаб қилди. Мен унга ногирон эканимни тушунтирсам, қулоқ солмади. Ҳайронман, балки имтиёзлар бекор қилингандир? Ахир ҳайдовчилар бундоқ тушунтириб, одамга ўхшаб муомала қилишса, бўлмайдими?

Тожибой ЖАЛОЛОВ,
Яккасарой тумани.

Дил бирлиги — эл бирлиги

ҒАРИБШОҲ АВЛОДИ

Лўлиларнинг табиати қизиқ бўлади. Уларнинг ҳаёти ҳақида ҳайратомуз гаплар юради. Қарши яқинидаги Шайхали шаҳарчасига қарашли «Янги ҳаёт» маҳалла қўмитаси раиси Ғайбулла Жалилов билан суҳбатимизда ҳам бундай ўзига хосликнинг гувоҳи бўлдик.

— Маҳалламизда 180 хўжалик бўлиб, 1200 га яқин аҳолиси бор, — деб ҳикоя қилади Ғайбулла ака. Илгари бетартиб қурилган баланд-паст уйларда яшардик. Маҳалла дейишга ҳам тил бормасди. Беш йилдирки, шаҳар ҳокимлиги йўриғи билан лойиҳали уй-жойлар қуришга киришдик. Биласиз, лўлилар меҳнатсевар бўлади. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай бинойидек уй-жойларга эга бўлдик. Дов-дарахт экинзорлар ҳам етарли. Газ ҳам бор. Одамларимиз бадавлат, десак бўлади. Ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар ғишт заводида ишлашади.

Тўйларимизни айтмайсизми. Етти иқлимдан қариндошларни чорлаймиз. Албатта, катта тўёна билан келишади. Кураш тушиб, улоқ чопамиз. Нарэулла бахши деганимиз жўшиб куйлайди. Лўлилар табиатан шинаванда бўлишади. Ҳамма хонадонда телевизор, магнитафон ҳамда видеомагнитафонлар ҳам бор. Зеро, битта камчилигимиз бор. Баъзи болаларимиз ўқишга йўқроқ. Болаларимиз ҳам савод чиқаришмаса бўлмайди, энди.

75 баҳорни қаршилаган Бахтиёр бобо билан суҳбатимиз эсда қоларли бўлди. Унинг айтишича, 10 ёшидан буён намоз ўқиб, рўза тутар экан. Исломга қаттиқ амал қиларкан.

— Бобо, кўнглингизга келмасину, шу, лўлиларнинг мозори йўқ деган гап ҳам бор.

— Қадимда тайинли ўтроқ жойимиз бўлмаган. Шу боис дуч келган жойга қабр тиклаб кетилаверган. Эсимни танибманки, бунақасини кўрмаганман. Ота мозорим Чироқчида. Маҳалламиз четида ҳам алоҳида жой ажратилган.

— Лўли аёл ва қизлар икки қош ўртасига хол қўйишади. Бу ҳиндларга ўхшашликми ё Ҳиндистондан тарқалган эл эканидан нишонами?

— Тўғри, илгари балоғатга етган қизларга дугоналари хол қўйишарди. 10 йилча бўлдиёв бу одат негадир барҳам топди. Ҳозир ёшларда бундай холларни учратмайсиз. Баъзи аёлларда бор.

Боболаримиз ҳикоясига қараганда авлодларимиз асли Арабистондан келиб қолган. Бизлар асли мугатлармиз, маҳаллий халқ лўли деб атаган. Ривоят қилишларича Арабшоҳ ва Ғарибшоҳ акаука бўлишган экан. Улар келишолмай Ғарибшоҳ қувғин қилинган. Арабшоҳ миллати ажам бўлиб, у ёқда қолган. Ғарибшоҳга мансублар—мугатлар Ўрта Осиёга тарқалганлар.

— Уйланиш тўйида келиннинг ваъдаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Очиғини айтганда, бизда аёлларга оғирроқ. Рўзғор қилиш, бола боқиш. Бундай ваъдалар албатта илгари бўлган. Ҳозир эса йўқ.

— Кечирасиз, лўли аёлга уйланиб бўлмайди, деган гап бор. Балки лўли аёлларни ҳимоя қилиш учун тўқиб чиқарилган гапдир.

— Ҳа, айтганингизча бор. Уни бизникилар ўйлаб топишган. Зеро, аёлларимиз ўзига мустаҳкам. Ҳар кимга кўнгил бериш, беҳаё юришдан ор қилишади.

— Илгари қишлоғимизда лўлилар баҳор чоғи чодир тикардилар. Аёллар уйма-уй овлашардилар. Сақич, кўзмунчоқ ва атирупалари бўларди. Арзон гаровга алмашиб кетаверардилар. Эркаклар эса мисгарлик ва заргарлик дўконларида тешилган буюмларни чегалаб, узук ва сирға ясардилар.

— Тўғри. Мана бу раснинг отаси уста Бўри ҳам заргар бўлган. Умуман,эркакларимиз ҳунарманд эдилар. Ҳамма нарса магазинга чиқиб, ҳунаримизга эҳтиёж қолмади. Зеро, истиқлол билан қадриятларимиз тикланяпти. Ёшларимиз ҳунар ўрганишмоқда. Кўрдингизми, лўлилар кун кечиришда ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Ахир айтишади-ку, тавба балони, хайр эҳсон гуноҳни даф этар деб. Илоё юртимизда барқарорлик собит бўлсин.

Бахтиёр РАҲМОНОВ.

Улкан дарахт шохлари

222-БИЛЕТ СОҲИБАСИ

Ҳалима буви айвондаги чорпоя устида урчуқ йигиради. Ёнида қўғирчоқ ўйнаб ўтирган жажжи невараси қўғирчоғини нари суради-да, унинг пинжига тиқилади.

— Эна, энажон, — дейди у, — мана бу тақиб олганларингиз нима?

— Медаллар! — деб жавоб беради буви.

— Бунақа медаллар анави қутида ҳам кўп-ку, нега уларни тақмай, фақат шу иккитасини тақасиз? — дея яна сўроққа тутади у.

— Болажоним, булар мустақил республикамиз медаллари, — дейди фахр билан энаси.

— Эна, айтинг-чи, уларни нега беришган Сизга?

Дарвоқе, нега беришган? Ҳалима бувига шаддод невараси нинг шу бир саволи сабаб бўлди-ю, узоқ ўйга толди. Ўтган 76 йиллик ҳаёти хаёл кўзгусида жонланди.

Пурвиқор Зомин тоғлари орасидаги сўлим қишлоқлардан бирида яшовчи қирғиз қизи Ҳалима Қўзиева қисматига ҳаёт ва эл-юрт ташвишлари жуда эрта —16 ёшида тушди. 1936 йил баҳорида қишлоқдоши Ўрозали Қораев билан турмуш қуриб, икковлон колхозда ишлай бошладилар. Далага бирга кетиб, бирга қайтишарди. Колхознинг техникаси ҳам, от-улови ҳам камлигидан колхозчилар кетмон билан ер чопишар, қўлда ғалла экишар ва ўришарди. Ёшларнинг «Қизил кетмон» деган уюшмаси ташкил этилганди. Уюшма аъзолари ҳар куни 5-6 сўтих ер чопишлари, шу ерга ғалла экишлари, пишиқчиликда эса 10 сўтихдан ғалла ўришлари норма қилиб белгиланган эди. Куёвкелин биргалашиб ҳар куни вазифани камида уч ҳисса бажаришарди. Бирор сабаб билан Ўрозали ишга чиқолмаган кунларда ҳам Ҳалиманинг бир ўзи уддалаган пайтлар кўп бўларди.

Колхозга тумандан келиб-кетувчи вакиллар баъзан ёш келинчакнинг ғалла ўриш маҳоратини атайлаб томоша қилишар, сўнг бу ҳақда қўшни қишлоқларда, колхозларда, туман йиғилишларида айтиб юришарди. Шу тариқа Ҳалиманинг номи тилларга тушди, газеталарда ёзилди. Меҳнат илғори сифатида 1938 йил бошида комсомол сафига қабул қилинди.

Бу пайтга келиб Ҳалима ўзининг ташкилотчилик ва ташаббускорлик хислатлари, жамоат ишларида фаоллиги билан ҳам назарга туша бошлаган эди. У тенгқурларини жамлаб, катта ишларга отлантиришга, уларни ўз ортидан эргаштиришга моҳир бўлиб қолган эди. Қишлоқ кексалари «Ҳали Ҳалима юрт сўрайдиган она боши аёл бўлади» деб башорат қилишарди. Фаришталар омин деган экан, ўша йили Ҳалима Қораева Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1-чақириқ депутати қилиб сайланди. У биринчи сессияга борганида қўлида чақалоғи бор эди. Олий Совет Президиуми Раиси Йўлдош Охунбобоев имзо чеккан 222-сон билетни оларкан, юраги ҳаприқиб, «Танамда жоним бор экан, халқимга хизмат қиламан» деб юборганини ҳамон бир ширин энтикиш билан эслайди.

Дарҳақиқат, Ҳалима Қораева халққа сидқидилдан хизмат қилди. Сессиядан қайтгач, колхозда комсомол ишларини жонлантиришга, хотин-қизлар фаоллигини оширишга бош-қош бўлди. 1939 йил бошида ишчан депутатни туман ижроқўмига инструкторликка ишга олишди. Ҳалима яшайдиган «Қорамозор» қишлоғи туман марказидан 38 километр узоқликда. У пайтлари тоғ даралари оша туманга борувчи биттагина ёлғизоёқ йўл бўларди. Қорли-қировли, ўтли-оловли қаҳратон ва саратон кунларида, зим-зиё тунларда ана шу ёлғизоёқ йўлда ёлғиз отли аёлнинг қишлоқ ёқдан туманга, тумандан қишлоққа қатнаганларини одамлар ҳозиргача афсонадай гапириб юришади. Йўл-йўлакай қишлоқларга кириб, одамларнинг турмуш шароитидан, орзу-ҳавасидан хабар олганларини, кўпларнинг мушкулини осон этганларини айтиб адо қилишолмайди. Туман марказида ва колхозда болалар боғчаси ташкил этгани, 18 нафар зоминлик меҳнат илғорига бош бўлиб, Москвага Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига борганлари...

1942 йил бошида «Шўро» колхози бошқаруви раисига муовин бўлиб қишлоғига қайтди. Меҳнатга яроқли эркаклар урушга кетган, асосий юмушлар болалар ва хотин-қизларга қолган эди. Аёлларни тўплаб, ғаллачилик бригадаси ташкил этди ва муовинлик билан бирга ана шу бригадага раҳбарлик қила бошлади. Аёллар ерни чопишдан экиш ва ўриб-янчиб олишгача ишларни қилишарди.

Ўша йили ҳосил ёмон бўлмади. Аёллар астойдил ишласалар, қут-барака оёқлари тагида эканини кўрсатдилар. Ўрим-йиғимда-ку ҳаммани қойил қолдиришди. 10 сўтих ғаллазорни ўриш-бир норма ва иш ҳақига битта патир бериларди. Депутат ва меҳнаткаш Ҳалиманинг шахсий намунасини зоминликлар ўшанда кўрдилар. У бутун ўрим-йиғим мавсумида ҳар куни 3-4 норма бажарарди-да, иш ҳақи нонларининг биттасини ўзига олиб, қолганларини урушга кетганларнинг оиласига, ишга яроқсиз кексаларга, кўп болали кишиларга берарди.

Ҳалима Қораева бошчилигидаги аёллар кундузги ана шундай оғир меҳнатлардан сўнг ҳам тинмасдилар. Улар кечалари фронтга кетган йигитлар учун иссиқ кийим-кечаклар тикишар, жун йигириб, қўлқоп ва пайпоқлар тўқишар, қуритилган мевалар йиғиб юборишарди.

Зоминлик биринчи депутатнинг бундай хайрли ишлари жуда кўп бўлган. У ўшандай оғир йилларда фирқа котибаси, колхоз раисаси вазифаларида ҳам ўзини кўрсатган. Депутат сифатида эса қишлоқ йўлларини созлаш, электрлаштириш, хотин-қизлар меҳнат шароитини яхшилаш каби кўплаб наказлар бажарган. Депутатлик фаолияти 8 йил давом этган. Уруш муносабати билан иккинчи чақириқ сайлови кечиккан эди.

— Ўтган умримдан ҳам, бугунги ҳаётимдан ҳам минг карра мамнунман, — дейди Ҳалима буви. — Уруш йиллари депутат бўлганим учун қўлимдан келганича тинчликнинг тезроқ қўлга киритилишига хизмат қилдим. Бугунги депутатларимиз ана шу тинчликни барқарор этиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун астойдил ишлаяптилар. Президентимиз бошчилигида катта амалий ишлар қилаяптилар. Мен юртбошимизнинг ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигини мустаҳкамлашдаги ғоят катта хизматларидан беҳад миннатдорман, шаънларига оналарча дуо қиламан.

Олий Мажлисдаги бугунги депутатлардан ҳам хурсандман. Тез-тез халқ орасида бўлиб туришибди. Истиқлолимиз раҳбарлари ва депутатлари омон бўлишсин!

Ҳалима буви бугунги кунда 38 нафар невара-чевара қуршовида қарилик гаштини сурмоқда. Вилоят ва туман ҳокимлиги раҳбарлари бувидан тез-тез ҳол сўраб туришади. Мустақил республикамизнинг «Шуҳрат» ва «Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медаллари билан мукофотланган. Халқ демократик партияси аъзоси. Қишлоқда тўйбоши, туманда ардоқли маслаҳатгўй. Хуллас, элнинг бир суюкли онахони сифати бекаму кўст яшамоқда.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Ҳалима Қораева невараси Муҳаббат билан.

Шифокор огоҳлантиради

ЎЗИДАН ТУРИ КЎП

Вирусли гепатитнинг этиологик, эпидемиологик ва клиник хусусиятларини ўрганиш билан тиббиёт олимлари узоқ даврдан буён шуғулланишади. Буюк тиббиёт мутафаккирлари Гиппократ, Абу Али ибн Сино асарларида бу касалликнинг клиник белгилари ҳақида маълумотлар бор.

Бугунги кунда жаҳон тиббиёт адабиётларида вирусли гепатитнинг еттитадан ортиқ нозологик турлари мавжуд ва улар клиник хусусиятлари билан бир-бирларидан тафовут қилади. Гепатитнинг одамлар орасида энг кўп тарқалган тури АВГ бўлиб, уни юқтириш йўли билан тарқаладиган вируслар келтириб чиқаради. Сариқнинг «В» турида хасталик парентерал — тиббиёт муолажалари ва қон қуйиш пайтида юқади. Бундан ташқари, кейинги йилларда мазкур вируслардан фарқли, бошқа турдаги «С», «Д», «Е», «F» ва «G» гепатитлар мавжудлиги аниқланди.

Сариқни юқтирган киши касалликнинг яширин даври — хасталик аломатлари пайдо бўлишдан 10-15 кун аввалдан вирусларни ташқи муҳитга ажратади ва соғлом кишиларга юқтиради. Хасталикнинг фақат тўртинчи ҳафтасидан бошлаб беморлар атрофдагилар учун деярли хавфсиз ҳисобланади. Гепатит вирусларини юқтирувчи омиллар ичида сув катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бу касалликнинг сув билан боғлиқ бўлган эпидемик авж олиши кузатилади. Гепатит вируслари сувни тозалаш иншоотларида зарарсизлантирилганда ҳам, санитария қоидаларига риоя қилинганда ҳам сувда учраши эҳтимоли бор. Шунинг учун нафақат очиқ сув ҳавзалари, балки водопровод сувларини ҳам қайнатиб ичиш тавсия этилади.

Сариқнинг «А» турига даврийлик хос. Кўп йиллик ўсиши ўрганилганда хасталикнинг ҳар 7-8 йилда кўпайиб, кейин бироз камайиши кузатилади. Республикамизда 1986, 1987 йилларда у юқори кўрсаткичларда учраган эди. Кейинчалик бироз камайди ва бу йилдан бошлаб яна кўпайиш аломатлари кузатиляпти.

Вирусли гепатитнинг олдини олишда фақат тиббиёт ходимлари олиб борадиган ишлар етарли эмас. Бунда коммунал хўжалик, сув таъминоти, озиқ-овқат саноати ходимлари, кенг халқ оммасининг билим савияси, санитария маданияти ва профилактика тадбирларини амалга оширишдаги фаол иштироки муҳимдир. Бунинг учун беморлар касаллик аломатлари бошланганда дарҳол шифокорга мурожаат қилишлари зарур. Беморни зудлик билан шифохонага ётқизиш лозим.

Сариқ хасталигининг профилактикаси учун махсус эмлаш воситалари, яъни вакциналар ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда тирик, ўлдирилган, синтетик ва генинженерия усуллари билан тайёрланган вакциналар бор. Уларнинг самарадорлиги тажрибаларда синовдан ўтяпти. Аммо ҳали оммавий тарзда фойдаланишга рухсат этилгани йўқ. Республикамизда мазкур хасталикнинг эпидемиологик ва клиник хусусиятларини, даволаш усулларини чуқур ўрганиш кўпгина илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий билимгоҳлари лабораторияларида замонавий техника ва янги текширув усулларини қўллаган ҳолда илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Барча илмий ишлар республикамиздаги Вирусология илмий-текшириш институтида таҳлил қилиниб, режалаштирилиб турилади.

Вирусли гепатитдек ўта хавфли касалликка чалинмаслик, унинг олдини олиш учун тавсия этилган чора-тадбирларни бажаришни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Омон МИРТОЗАЕВ,
Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти эпидемиология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Эҳтиром

ҲАЁТНИНГ ЎЗ ИЛДИЗИ БОР

Ер билан, эл билан ҳамнафас инсонлар бор. Улар қалб дастхатларини қоғозга битмайдилар, заминга ёзадилар. Она тупроқ, ҳалол меҳнат бундай бобо деҳқонларни юракдан севиб қолади, бир умр ҳурматини жойига қўяди, улуғлайди, ризқ-насиба, обрў, мартаба беради. Ер фарзанди, эл жигарбанди Муяссар Шодиев ҳам ана шундай меҳнаткаш, эътиборли, назаркарда инсонлардан.

Катта қўрғон оқсоқоллари ҳақида гап кетганда, Муяссар Шодиев биринчилар қаторида тилга олиниши бежиз эмас. Мен Муяссар ака билан эллигинчи йилларда Самарқанд вилоят газетаси—«Зарафшон» (собиқ «Ленин йўли»)да хизмат қилаётганимда яқиндан танишиб қолганман. Бу ажойиб инсоннинг таржимаи ҳолини ёддан айтиб бера оламан. Умр йўли равон кечган эмас, унда ҳам ширин, ҳам аччиқ ҳақиқатлар ётибди, тотли, ташвишли ҳаёти бор инсон.

Муяссар Шодиев қишлоқда туғилди, далада улғайди, меҳнатда камол топди. Оддий миробликдан катта туманнинг сарвари даражасига кўтарилди. У Самарқанд шаҳрига келиб ҳисобчилар курсида таълим олди, ўқишдан она қишлоғига қайтиб келди, кечаги колхозчи Тельман номли жамоа хўжалигида бош иқтисодчи, бош ҳисобчи лавозимларига мушарраф бўлди, сўнг партия котиби этиб сайланди. Раис ўринбосари бўлиб хизмат кўрсата бошлади. Сўнг Муяссар Шодиевни тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раислигига таклиф этишди. У бу ерда уч йил мобайнида сидқидил меҳнат қилди, хўжаликнинг қаддини кўтарди, эътибор қозонди. Қишлоқдошлари яна раисни ўз бағриларига олишди. Ўн йил ичида Марди Султонов номли жамоа хўжалигининг шуҳратига шуҳрат қўшди, уни илғорлар сафига олиб чиқди, номини таратди. Меҳнат билан банд бўлиб ўқишни унутмади. Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтини ҳам сиртдан ўқиб, битириб чиқди. Олий маълумотли мутахассис бўлди.

Меҳнат инсонни улуғлайди. Муяссар Шодиев бу ҳаётий ҳақиқатни яхши билади, юракдан ҳис этади. Бу эътиқодга у бир умр содиқ қолди. Тажрибакор бобо деҳқонга, хўжалик раҳбарига каттақўрғонликлар тақдирини ишониб топширишганда, у асло шошиб қолмади, ўзини йўқотмади, эл-юртнинг ишончини,унга кўрсатилган мурувватни кўзининг нури, қалбининг қўрини бахшида айлаб, поқиза оқлади. Ўн йил мобайнида Каттақўрғон тумани партия комитетининг биринчи котиби ва кенгаш раиси лавозимида ишлаб, иқтидорли раҳбар, моҳир ташкилотчи, элнинг оқсоқоли эканлигини намойиш этди. Иш жараёнида уч минг гектардан зиёд янги ер очилди, ўзлаштирилди, унга пахта экилиб, юқори ҳосил олинди. Туманда тўртта янги хўжалик ташкил этилди. 27та мактаб, 9 та болалар боғчаси, ўнга яқин қишлоқ врачлик амбулаторияси очилди. Қарийб 60 километрли йўл ётқизилди. Қишлоқларга ичимлик сув, табиий газ келтирилди. Туманнинг қишлоқ хўжалик равнақига, маданияти тараққиётига муносиб, сезиларли улуш қўшди. Унинг республикамизда ўз ўрни, ўз номи, шуҳрати борлигини намоён қилди.

Муяссар Шодиев Самарқанд вилояти ҳамда Каттақўрғон тумани кенгашлари халқ депутатлигига бир неча марта сайланди. 1986—1995 йиллар икки чақириқ Ўзбекистон халқ депутати сифатида республикамиз парламенти ишларида фаол қатнашди.

Муяссар Шодиев ҳозир ҳам халқ орасида, элдан узилиб қолгани йўқ. Қишлоқдошларининг қувончлари ва ташвишларига ҳамиша шерик. Каттамнинг қишлоғи фуқаролар йиғинига раис, шу имонли элнинг ҳурматли оқсоқоли, меҳрибон кайвонийси.

Ҳа, Муяссар Шодиев элнинг назарига тушган, халқнинг дуосини олган саодатманд инсон, эл-юртнинг шон-шарафига муяссар бўлган камтар, меҳнатсевар, оилапарвар оғамиз. Шу кунларда дастурхон ёзиб, эл-юртга ош тортиб, ўзининг муборак 60 ёшини қаршилаётган дилкаш отахонимиз Муяссар Шодиевни кўнглига яқин бир гуруҳ қаламкашлари номидан умр тўйи билан қалбан қутлаймиз, дуои саломлар йўллаб, бағримизга босиб, самимий қучамиз.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: Муяссар Шодиев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил Яшин, адиб ва таржимон Муҳаммаджон Мирзамуҳамедовлар.

Спорт

НАФОСАТ БАҲСИДА

• ЯПОНИЯДА фигурали учиш бўйича Осиё кубоги ва чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Муз устида нафосатли ҳаракатлар баҳсида тошкентлик спортчилар ҳам маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Жумладан, ёлғиз чиқишларда Татьяна Малинина чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритиб, кубок учун баҳсда кумуш медаль соҳиби бўлди. Жуфт бўлиб чиқишларда Полина Де билан Евгений Свиридов тўртинчи натижа кўрсатишди.

КУЧЛИЛАРГА ТЕНГЛАШИБ

• ТОШКЕНТ ва Санкт-Петербург шаҳарларида таэквандонинг ВТФ ҳамда ИТФ турлари бўйича қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси кубоги учун мусобақа бўлди. Республика шаҳар-қишлоқларидан тўпланган 70 нафардан кўпроқ спортчи ўзаро куч синашди. Вазнларга кўра тошкентликлардан Р. Тошпўлатов, Ш. Абдусаматов, А. Акрамов, Сирдарёдан У. Дадахонов, С. Ким В. Шумейколар ғалаба қозонишди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент таэквандочилари бош совринни қўлга киритдилар.

Санкт-Петербургда «Буюк Петр кубоги» учун ўтказилган халқаро мусобақада эса 17 мамлакат иштирок этди. Вакилларимиз Голландия, Олмония, Польша, Швеция ва Бельгиядан келган спортчилардан қолишмай баҳслашишди. Жумладан, Элмурод Нурохунов олтин медаль эгаси бўлди. У иккинчи дан бўйича ғалаба қозонган бўлса, учинчи дан бўйича Евгений Ли бронза медали олди. Лекин Е. Ли Тўлқин Расулов билан спарринга курашда кумуш медаль совриндори бўлди.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон худудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйиш ёки нақд пулсиз ўтказиш кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

ТОШКЕНТ «ФОТОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Бирлашма SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д касса аппаратларининг нархи 20 фоиз арзонлашди.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д

30, 60 ва 100 дан ортиқ аппарат сотиб олинса, арзон коэффициент қўлланилади.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д

КАССА АППАРАТЛАРИ ЯНГИ АВЛОДИ

Бу аппаратлар имконияти мижозларнинг бугунги ва эртанги талабини тўла қондиради. Бу замонавий касса аппартларини ишлаб чиқаришда электроника ва ҳисоблаш техникасида эришилган энг сўнгги ютуқлардан фойдаланилган.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг талабларига тўлиқ жавоб беради ва сотиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат Реестрига киритилган.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д – ўзбек ва рус тилларида барча матнли маълумотларни, товар номларини ёзади ва айни пайтда икки лентада – чекли ва назорат лентасида чиқаради;
– кундалик, даврий товарлар, товарлар турлари, дўкон ва бўлимлар бўйича яхлит ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради.

SILEX-7004 – аппаратига туширилган барча маълумотлар ва иш натижалари қайд хотирасига ёзилиб, 7 йилгача хотирада сақланади. 800 тагача товарнинг номи ёзилади, товарларни 5 солиқ гуруҳига ва 32 бўлимга тақсимлайди. 20 та кассир номерини программалаштиради.

КАРАТ-1500Д – аппаратининг қайд хотираси туширилган ахборотни камида 8 йил сақлайди, 1500 тагача товарнинг номини ёзиб олади. Тижорат компьютер тармоғига уланадиган стандарт интерфейси бор. Электрон тарозиларга уланади. Кодлар, магнитли ва электронли карточкалар белгиларини оптик ҳисоблагичи ҳам бор.

«ФОТОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

бир йил давомида аппаратларга кафолатли бепул хизмат кўрсатиш;
қассир-операторлар тайёрлаш;
аппаратларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш ҳамда турли сервис хизмати кўрсатиш юмушини бажаради.

Манзилимиз: Тошкент, Мовароунаҳр кўчаси, 13.
Телефон: (3712) 36-01-16, 36-09-33.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д - КАССА АППАРАТЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИДИР.

CUKURS-BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз,
сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.
1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бунинг учун фақат кўнгирогингиз кифоя!

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Ниязбек йўли (авваллги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона.
Телефонлар. (3712), 34-00-98, 34-05-07

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 420. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0546.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.